

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ЖАББОРОВА ДИЛФУЗА ПУШКИНОВНА

**ГИДРОПОНИКА ШАРОИТИДА СОЯ ЎСИМЛИГИНИНГ
ФИЗИОЛОГИК ВА СИМБИОТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract
of doctor of philosophy (PhD)**

Жабборова Дилфуза Пушкиновна

Гидропоника шароитида соя ўсимлигининг физиологик ва симбиотик хусусиятлари 5

Жабборова Дилфуза Пушкиновна

Физиологические и симбиотические свойства сои в условиях гидропоники 19

Jaborova Dilfuza Pushkinovna

Physiological and symbiotic characteristics of soybean under hydroponic condition 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 37

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ЖАББОРОВА ДИЛФУЗА ПУШКИНОВНА

**ГИДРОПОНИКА ШАРОИТИДА СОЯ ЎСИМЛИГИНИНГ
ФИЗИОЛОГИК ВА СИМБИОТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/В23 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Давранов Кахрамон
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Каримджон
биология фанлари доктори, профессор

Мавлянова Равза Фазлетдиновна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз а/б. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз а/б. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ кунини тарқатилди.
(2017 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.А.Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д.

С.М.Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.Ф.Абзалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши, қурғоқчилик ва тупроқ шўрланиши қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва унинг сифатига кескин салбий таъсир этиб, озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигининг кучайиб боришига олиб келмоқда. Бу ҳолатни бартараф этишда озиқ-овқат экинларининг салбий абиотик омилларга чидамлилигини орттириш ва уларни етиштиришнинг замонавий ҳамда илғор технологияларини қишлоқ хўжалигига жорий этиш долзарб масалалардандир.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қурғоқчил ва шўрланган тупроқ-иқлим шароитларида дон ва дуккакли экинларни самарадор усуллар орқали етиштиришга катта эътибор қаратмоқда. Бу ўринда озиқ-овқат, ёғ-мой ва чорвачилик тармоқларининг асосий маҳсулоти бўлган сояни етиштиришда унинг морфологик хусусиятларини аниқлаш орқали ўсимлик ҳосилдорлиги ва унинг сифатини ошириш муҳим ўрин тутди. Айниқса, сўнгги йилларда соя маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ошиши уни етиштиришда янги усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни талаб этмоқда. Хусусан, қатор ривожланган мамлакатлар илғор илмий ютуқларини инобатга олган ҳолда сояни гидропоника усулида етиштиришнинг самарадор йўллари аниқлаш, зарур озуқа муҳитларини ишлаб чиқиш, гидропоника шароитида ўсимликдаги физиологик жараёнларни асослаш ва бошқариш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамиз мустақилликка эришгач қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, дуккакли экин-соянинг янги истиқболли навларини яратиш ҳамда ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида соянинг қатор навларини маҳаллийлаштириш ва экин майдонларини кенгайтириш борасида муайян натижаларга эришилди. Шу билан биргаликда, сояни илғор технологиялар, хусусан, гидропоника усулида етиштириш бўйича тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарур. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «озиқ-овқат ва ёғ олинадиган экинларни экиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёғ берувчи ва озиқ-овқат экини бўлган сояни гидропоника усулида етиштириш, ўсимликнинг морфологик ва физиологик хусусиятларига озуқа элементлари таъсирини асослаш, ризобактериялар фаолиятини аниқлаш ҳамда самарали озуқа муҳитини танлашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2021 йилларда республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2832-сонли қарори ва 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шўрланишнинг дуккакли ўсимликларнинг ўсиши, илдиз морфологияси, азотфиксация жараёни ва ҳосилдорлигига таъсири хорижий олимлар Н.S.Han & K.D.Lee (2005), E.Tavakkoli & et al. (2012), P.Kondetti & et al. (2012), O.Younesi & et al. (2013), L.Latrach & et al. (2014), A.Argaw & et al. (2014), D.Chaudhar & S.Sindhu, (2015), A.K.Singh & et al. (2015), A.Ebbisa & E.Getachew (2015) томонидан ўрганилган. Гидропоника шароитида юқори миқдордаги фосфорнинг соя илдиз кўрсаткичлари ва озиқ моддаларни ўзлаштиришига таъсири бўйича тадқиқотларни хорижий олимлар S.J.Miao & et al. (2007), A.E.Ochigbo & L.L.Bello (2014), V.Kumar & et al. (2015), M.A.E. Mukhtar & et al. (2015) олиб боришган. M.Palerna & et al. (2007) томонидан гидропоника шароитида ўстирилган соянинг дони, соя сути ва бошқа маҳсулотларининг озукавий қиймати дала шароитида ўстирилган сояга нисбатан юқори ва сифатли бўлиши исботланган. МДХ мамлакатларида В.А.Чесноков (1960), А.А. Аутко (2004), Н.А.Вечернина ва бошқ., (2008), О.В.Антипова (2010), Ю.Ц.Мартироян ва бошқ., (2012) ва бошқа кўплаб олимлар томонидан сабзавот ва бошқа экинларни (қулупнай, бодринг, картошка, кўкат ва бошқалар) гидропоника шароитида етиштириш, биопрепаратлар билан ишлов бериш орқали ҳосилдорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, самарали натижаларга эришилган.

Мамлакатимизда соя генетикаси ва селекцияси М.Ф.Абзалов ва бошқ., (2006, 2008, 2011) томонидан; соя ўсимлигини етиштириш агротехникаси Д.Ё.Ёрматова (1991, 2004) томонидан; соя билан маккажўхорини бирга экишнинг самарадорлиги, бошланғич манба ва агротехнологияси Х.Н.Атабаева ва бошқ., (2004, 2006, 2010, 2014) томонидан; истиқболли соя навларининг биоэкологик ва морфофизиологик хусусиятлари Д.Р.Аннамурудова (2010) ва бошқалар томонидан олиб борилган изланишларида ёритилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳозиргача турли таркибдаги озуқа муҳитларининг соя ва ризобактериялар орасидаги симбиотик муносабатларга таъсири ва бу жараёни ўсимлик илдиз тизимининг морфологик ва физиологик хусусиятлари билан боғлиқлиги етарлича ўрганилмаган. Бундай тадқиқотлар

соя ўсимлигининг ризобактериялар билан ўзаро муносабатларини яхшилаш орқали келгусида соя ҳосилдорлигини оширишда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг И8-12 «Юқори фаолликка эга бўлган микроб ассоциацияси асосида янги рақобатбардош биоўғитларни «Биоўғит» корхонасида ишлаб чиқариш» (2011-2012); ИТД-09-01 «Янги рақобатбардош ресурс тежамкор микробиопрепаратларни қишлоқ хўжалик амалиётида фойдаланиш агротехникасини ишлаб чиқиш» (2012–2014) ҳамда халқаро «ЮНЕСКО-ХИТОЙ ҳукуматининг Буюк Девор стипендияси (UNESCO/China, The Great Wall)» (2010-2011) мавзусидаги амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гидропоника шароитида соя ўсимлигининг морфологик хусусиятлари ҳамда ризобактериялар билан симбиотик алоқасига озуқа муҳитлари таъсирини аниқлаш ва гидропоникада соя етиштириш агротехнологияси учун самарали озуқа муҳитини танлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидропоника шароитида соя ўсимлиги илдиз тизимининг морфологик ва физиологик хусусиятлари ҳамда ризобактериялар билан симбиотик алоқаларига натрий хлорид (NaCl) тузининг турли концентрацияси таъсирини аниқлаш;

шўрланган шароитда соя ўсимлиги илдиз тизимининг морфологик ва физиологик хусусиятларига алоҳида *B.japonicum* USDA110 штамми ва биргаликда *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 штаммларининг таъсирини таҳлил қилиш;

соя ўсимлиги илдиз тизимининг морфологик ва физиологик хусусиятларига ҳамда ризобактериялар билан симбиотик алоқаларига турли миқдордаги азот (N) ва фосфор (P) ли озуқа муҳитларининг таъсирини аниқлаш;

N ва P ли озуқа муҳитларида соя ўсимлиги илдиз тизимининг морфологик ва физиологик хусусиятларига алоҳида *B.japonicum* USDA110 штамми ва биргаликда *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 штаммларининг таъсирини таҳлил қилиш;

гидропоника шароитида соя етиштиришнинг агротехнологияси учун самарали озуқа муҳитини танлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида соянинг YC03-3 ва Орзу навлари ҳамда ризобактерияларнинг *Bradyrhizobium japonicum* USDA110 ва *Pseudomonas putida* TSAU1 штаммлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети гидропоника шароитида турли озуқа муҳитларида соя илдиз тизимининг морфологик ва физиологик хусусиятлари ҳамда ризобактериялар билан симбиотик алоқаси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда морфологик, физиологик ва спектрофотометрик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гидропоника шароитида натрий хлорид (NaCl) тузи эритмасининг 50 мМ ва 75 мМ концентрацияли озуқа муҳитлари соянинг илдиз узунлиги, юзаси, диаметри, ҳажми, илдиз эгаллаган майдон ва тугунаклар сонини пасайтириши исботланган;

илк маротаба гидропоника шароитидаги шўрлантирилган озуқа муҳитида соя илдизига *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 бактериялари аралашмаси билан ишлов берилганда илдиз тизимининг яхши ривожланиши, тугунак ҳосил бўлишининг жадаллашиши, ўсимликдаги N, P ҳамда баргидаги хлорофилл ва протеин миқдорининг ошиши, *Bradyrhizobium* билан симбиотик алоқаси яхшиланиши ва ўсимликни шўрланишга чидамлилиги ошиши аниқланган;

гидропоника шароитидаги юқори миқдорда P (N 3000 μмол ва P 250 μмол; N 300 μмол ва P 250 μмол) сақлаган озуқа муҳитлари соянинг морфологик ва физиологик хусусиятларига ижобий таъсир этиши асосида соя илдиз узунлиги, диаметри, ҳажми, илдиз эгаллаган майдони, ўсимликдаги P, баргидаги протеин ва хлорофилл миқдори ошганлиги асосланган;

илк бор кам миқдорда N ва юқори миқдорда P сақлаган озуқа муҳитида соя илдизига *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 бактериялари билан ишлов берилганда соянинг тугунак ҳосил қилишини кучайтириши, илдиз кўрсаткичларини ошириши, баргидаги протеин ҳамда ўсимликдаги N ва P миқдорларини оширишига самарали таъсир этиши очиқ берилган;

илк бор кам миқдорда N ва юқори миқдорда P сақлаган озуқа муҳитида *B.japonicum* USDA110 билан *P.putida* TSAU1 штаммларининг аралашмаси билан ишлов берилганда соя тугунаги билан илдиз узунлиги ва юзасида кучли ижобий, илдиз эгаллаган майдони ва диаметри билан ўртача ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гидропоника усулидан фойдаланиш орқали соянинг шўрланишга чидамли навларини танлаш услуги такомиллаштирилган;

сояни шўрланиш таъсирини енгиб ўтишида ўсимлик илдизига *B.japonicum* USDA110 билан *P.putida* TSAU1 штаммларининг биргаликдаги аралашмаси юқори ижобий самара бериши аниқланган;

гидропоника шароитида ўсимликнинг N ва P ли озуқага бўлган талаби такомиллаштирилган;

гидропоника шароитида соя етиштиришнинг агротехнологияси учун самарали озуқа муҳити танланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олинганлиги, кўп йиллик изланишларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, ишда

классик ва замонавий услублар қўлланилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси, етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги ва уларга импакт фактори юқори бўлган хорижий мамлакатларнинг нуфузли журналларида ҳаволалар берилганлиги, олинган натижаларга статистик ишлов берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гидропоника шароитида шўрлантирилган ҳамда N ва P сақлаган озуқа муҳитларининг сояга таъсирини очиб берилганлиги, ризобактериялар билан ишлов бериш орқали соя илдиз тизимининг ривожланиш кўрсаткичларини асосланганлиги, гидропоника усулида сояни шўрланишга чидамлилигини ошириш йўллари кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гидропоника усулида соя навларини етиштиришда меъёрий озуқа муҳитларини танлаш, ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини гидропоника усулида етиштиришнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидропоника шароитида соя ўсимлигининг физиологик ва симбиотик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

гидропоника шароитида шўрланишнинг соя ўсимлигининг физиологик ва симбиотик хусусиятларига таъсирини аниқлаш бўйича олинган натижалар 10 дан ортиқ хориждаги импакт-фактори (ResearchGate, Web of Science) юқори илмий журналларда ўсимлик навларининг шўрланишга чидамлилигини аниқлаш, сунъий озуқа муҳитларини ўсимлик илдиз тизимининг морфофизиологик ва симбиотик хусусиятларини таҳлили учун фойдаланилган (Plant Soil, 2016, V.405, №40, ResearchGate, IF 3,42; Front Microbiol, 2016, Vol.7, №1, Web of Science, IF 4,07; Plant Soil, 2017, V. 416, №40, ResearchGate, IF 3,42; Russian Journal of Plant Physiology, 2017, Vol.64, №40, ResearchGate, IF 0,77; Applied Microbiology and Biotechnology, 2016, Vol.100, №40, ResearchGate, IF 3,81). Натижалар соянинг тупроқ шўрланишига чидамлилигини аниқлаш, ўсимлик илдиз тизимининг ризобактериялари билан алоқасини баҳолаш, сунъий озуқа муҳитларининг ўсимликларга таъсирини асослаш имконини берган;

гидропоника шароитида соянинг ўсиши ва физиологик жараёнларига шўрлантирилган озуқа муҳитларининг таъсирини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар 31500225 рақамли “Қурғоқчиликка чидамлилиكنинг молекуляр механизмлари” мавзусидаги лойиҳада соя навларининг шўрланишга чидамлилигини баҳолашда фойдаланилган (Хитой фанлар академиясининг 2017 йил 20 октябрдаги маълумотномаси). Илмий натижа шўрлантирилган озуқа муҳитларининг соя навларини физиологик ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш ва шўрга чидамлилигини баҳолаш имконини берган;

гидропоника шароитида соянинг ўсишига турли озуқа муҳитларининг таъсирини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар PSF/NSLP/-BZU 130 рақамли “Турли ҳарорат ва намлик даражаларининг *Bt. cruciferous* ўсимлигининг селекциясига ва *Plutella xylostella* ҳашаротга чидамлилигини ривожланишига таъсири” мавзусидаги лойиҳада шўрлантирилган озуқа муҳитларидан *Bt. cruciferous* ўсимлиги навларининг шўрланишга чидамлилигини баҳолашда фойдаланилган (Бахауддин Закария университетининг 2017 йил 17 октябрдаги маълумотномаси). Илмий натижа шўрлантирилган озуқа муҳитлари *Bt. cruciferous* навининг чидамлилигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли белгилардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гидропоника шароитида дуккакли ўсимликларнинг морфологик, физиологик хусусиятлари, ўсиши ва ривожланишида ризобактерияларнинг роли**» деб номланган биринчи бобида гидропоника шароитида шўрланиш дуккакли ўсимликлар илдиз морфофизиологиясига салбий таъсир қилиб, илдиз тузилишига, илдиз диаметрига ва илдиз тукчаларининг ривожланишига тўсқинлик қилиши, ўсимлик ҳужайрасининг метаболитик фаоллигини сусайтириши оқибатида ўсимлик ўсиши ва ривожланишини секинлаштириши, дуккакли ўсимликларнинг озуқа моддаларни ўзлаштириши ва фотосинтезига салбий таъсирида ҳосилдорликнинг кескин пасайиши, ризобактериялар билан дуккакли ўсимликлар илдизига ишлов берилганда ўсимликнинг шўрланишга чидамлилигини ошириши, ризобактериялар синтез қиладиган фитогормонлар

ўсимлик ўсишини ва шўрланишга чидамлилигини жадаллаштириши илмий асослаб берилган.

Гидропоника шароитида дуккакли ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида минерал N ва P нинг роли, фосфор танқислиги соя илдиз тизимининг ўсишини ва морфофизиологик хусусиятини пасайтириши, фосфор камайиши ўсимлик барг майдонларининг ривожланишини ва баргда кечадиган фотосинтез жараёнини секинлаштириши, тугунак бактериялари амалга оширадиган азотфиксация жараёнларини секинлаштириб, ўсимлик ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши ёритиб берилган.


Гидропоника шароитида дуккакли ўсимликлар илдиз тизимининг морфологик ва физиологик хусусиятларига ризобактерияларнинг ижобий таъсир қилиши, шўрланишга чидамли ўсимлик ўсишини жадаллаштирувчи фитогормонлар синтез қилувчи ризобактериялар шўрланган шароитда ҳам ўсимлик ўсишини жадаллаштириши, дуккак-ризобиа алоқаларини мустаҳкамлашда ижобий рол ўйнаши ёритилган.

Диссертациянинг «**Гидропоника шароитида соя ўсимлигининг морфологик ва физиологик хусусиятларига ризобактерияларнинг таъсирини ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда фойдаланилган ашёлар, гидропоника шароитида соя ўсимлигини ўстириш шароити, ўсимлик ва ризобактерияларни ўстиришда қўлланилган озуқа муҳитларининг таркиби, ўсимликнинг морфологик ва физиологик хусусиятларини аниқлаш услублари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Гидропоника шароитида шўрлантирилган озуқа муҳитида соя ўсимлигининг морфологик ва физиологик хусусиятларига ризобактерияларнинг таъсири**» деб номланган учинчи бобида гидропоника шароитида шўрлантирилган озуқа муҳитида соя ўсимлигининг морфологик ва физиологик хусусиятларига ризобактерияларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олинган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Гидропоника шароитидаги озуқа муҳитида натрий хлорид (NaCl) тузи эритмасининг 50 ва 75 мМ концентрациялари соянинг илдизи узунлигини 20% ва 36%, юзасини 57% ва 78%, диаметрини 24% ва 31%, ҳажмини 39% ва 79% ва илдиз эгаллаган майдонини 30% ва 64% гача пасайтириши аниқланган.

Шўрлантирилган (50 мМ NaCl) озуқа муҳитида, *B.japonicum* USDA110 штамми назоратга нисбатан соянинг илдиз узунлигини ўртача 14% ва илдиз ҳажмини 28% гача оширган бўлса, *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 бактерияларининг биргаликдаги аралашмалари билан соя илдизига ишлов берилганда бу кўрсаткичлар юқори бўлиб, илдиз узунлигини 20% ва илдиз диаметрини 39% га оширилганлиги аниқланган.

Шўрланиш алоҳида *B.japonicum* USDA110 бактерияси билан ишлов берилган вариантда, соя тугунагини икки бактерия аралашмаси билан ишлов берилган вариантга нисбатан анчага камайтирганлиги кузатилган (1-расм). Алоҳида *B.japonicum* USDA110 бактерияси билан ишлов берилган вариантда NaCl тузининг 50 мМ эритмаси тугунаклар сонини 64% га, 75 мМ эритмаси эса 90% гача сусайишига олиб келганлиги қайд этилган.



1-расм. Шўрлантирилган ва шўрлантирилмаган муҳитда ўсган соянинг тугунақлар сонига алоҳида *B.japonicum* USDA110 штамми ва биргаликда *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 штаммларининг таъсири

NaCl тузининг 75 мМ эритмасида *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 бактерияларининг биргаликдаги аралашмаси билан соя илдизига ишлов берилган вариантида, *B.japonicum* USDA110 штаммига нисбатан соянинг тугунақлар сонини 93% гача оширганлиги аниқланган.


Шўрлантирилган озуқа муҳитларида соя ўсимлигининг азот (2а-расм), фосфор (2б-расм), протеин (2в-расм) ва хлорофилл (2г-расм) миқдорига ризобактерияларнинг таъсири акс эттирилган. Олинган натижаларга кўра, назорат вариантида шўрланиш концентрацияси ошиши билан соя ўсимлигининг N ва P миқдоринининг (қуруқ оғирликка нисбатан) пасайиши кузатилган бўлса, алоҳида *B.japonicum* USDA110 бактерияси билан ишлов берилган вариантида ҳамда *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 бактерияларининг биргаликдаги аралашмаси билан соя илдизига ишлов берилган вариантларида эса ўсимликдаги N, P (қуруқ оғирликка нисбатан), баргдаги протеин (хўл оғирликка нисбатан) ва хлорофилл (хўл оғирликка нисбатан) миқдорининг ошиши кузатилган.

NaCl тузининг 75 мМ эритмасида *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 штаммларининг аралашмаси билан соя илдизига ишлов берилган вариантда назоратга нисбатан соя ўсимлигининг N миқдорини 1,86 мг/г (181%), P миқдорини 0,97 мг/г (67%), баргдаги протеин миқдорини 3,86 мг/г (34%) ва баргдаги хлорофилл миқдорини 35% гача оширганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Гидропоника шароитида N ва P сақлаган озуқа муҳитларида соя ўсимлигининг морфологик ва физиологик хусусиятларига ризобактерияларнинг таъсири» деб номланган тўртинчи бобида N ва P ли озуқа муҳитларида соя ўсимлигининг морфологик ва физиологик хусусиятларига ризобактерияларнинг таъсири аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, фосфор миқдори кам бўлганда, илдиз кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатган (1-жадвал). Назоратдаги вариантларда юқори миқдорда N (3000 μмол) ва юқори миқдорда P (250 μмол), кам миқдорда N (300 μмол) ва юқори миқдорда P (250 μмол) сақлаган озуқа муҳитларида соянинг илдиз узунлиги, юзаси, диаметри, ҳажми ва

илдиз эгаллаган майдони ошганлиги қайд этилган.



2-расм. Шўрлантирилган муҳитда *B.japonicum* USDA110 штамми алоҳида, *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* штаммлари билан биргаликда ишлов берилган соя ўсимлигининг N (а), P (б), протеин (в) ва хлорофилл (г) миқдори

P миқдорининг озуқа муҳитида юқори бўлиши соя илдизига *B.japonicum* USDA110 штамми билан ишлов берилган вариантларда соянинг илдиз кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиб, юқори миқдорда P сақлаган озуқа муҳитларида; юқори миқдорда N (3000 μ мол) ва юқори миқдорда P (250 μ мол), кам миқдорда N (300 μ мол) ва юқори миқдорда P (250 μ мол) сақлаган озуқа муҳитларининг *B.japonicum* USDA110 штамми билан ишлов берилган вариантларида соянинг илдиз кўрсаткичлари ошганлиги кузатилган. Кам миқдорда N (300 μ мол) ва юқори миқдорда P (250 μ мол) сақлаган озуқа муҳитида *B.japonicum* USDA110 штамми юқори миқдорда N (3000 μ мол) ва кам миқдорда P (50 μ мол) сақлаган озуқа муҳитидаги *B.japonicum* USDA110 штаммига нисбатан соянинг илдиз майдонини 21%, диаметрини 16%, ҳажмини 19%, узунлигини ва юзасини 60% га оширганлиги аниқланган (1-жадвал). *B.japonicum* USDA110 штамми билан соя илдизига ишлов берилган вариантларда, соянинг илдиз кўрсаткичларини N ва P ли озуқа

мухитларидаги назоратга таққослаганда ижобий натижани кўрсатган. Кам миқдорда N (300 μмол) ва юқори миқдорда P (250 μмол) сақлаган озуқа мухитида *B.japonicum* USDA110 штамми назоратга нисбатан соянинг илдиз узунлигини 74%, юзасини 128%, диаметрини 47%, ҳажмини 67% ва илдиз эгаллаган майдонини 70% га оширган. Кам миқдорда N (300 μмол) ва кам миқдорда P (50 μмол) сақлаган озуқа мухитида эса *B.japonicum* USDA110 штамми назоратга нисбатан соянинг илдиз узунлигини 50%, юзасини 36,5%, диаметрини 17%, ҳажмини 87% ва илдиз эгаллаган майдонини 42% оширган. N ва P сақлаган озуқа мухитларидан кам миқдорда N (300 μмол) ва юқори миқдорда P (250 μмол) сақлаган озуқа мухитида *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 штаммларининг аралашмаси соянинг илдиз кўрсаткичларини юқори даражада оширган. N ва P сақлаган озуқа мухитларида *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 штаммларининг биргаликдаги аралашмаси билан ишлов берилган вариантларнинг барчасида *B.japonicum* USDA110 штамми ва назоратга нисбатан соянинг илдиз кўрсаткичларини оширган.

Гидропоника шароитида N ва P сақлаган озуқа мухитларида соя ўсимлигининг физиологик хусусиятларига алоҳида *B.japonicum* USDA110 штамми ва *B.japonicum* USDA110 билан *P.putida* TSAU1 штаммларининг биргаликдаги таъсири ўрганилганда назорат вариантларда, соя ўсимлигининг илдизи ва поясидаги N миқдори юқори миқдорда N (3000 μмол) ва юқори миқдорда P (250 μмол), юқори миқдорда N (3000 μмол) ва кам миқдорда P (50 μмол) сақлаган озуқа мухитларида ошганлиги қайд этилган (2–жадвал).

Соя ўсимлигининг илдизи ва поясидаги N миқдори, кам миқдорда N (300 μмол) ва юқори миқдорда P (250 μмол), кам миқдорда N (300 μмол) ва кам миқдорда P (50 μмол) сақлаган озуқа эритмаларида эса пасайиши аниқланган. P миқдорининг озуқада юқори бўлиши соя илдизига *B.japonicum* USDA110 штамми билан ишлов берилган вариантларда соянинг поя, илдиз ва тугунагидаги P миқдорини ошириши кузатилган. Кам миқдорда N (300 μмол) ва юқори миқдорда P (250 μмол) сақлаган озуқа мухитида, шу озуқа мухитидаги назоратга нисбатан *B.japonicum* USDA110 штамми соя поясидаги P миқдорини 150%, илдиздаги P миқдорини эса 21% га оширган. N ва P миқдорининг озуқада кам бўлишига қарамай, *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 бактерияларининг биргаликдаги аралашмаси билан соя илдизига ишлов берилган вариантларда ўсимликнинг поя, илдиз ҳамда тугунагидаги N ва P миқдорини *B.japonicum* USDA110 штамми ва назоратга нисбатан тўртала N ва P сақлаган озуқа мухитларида юқори даражада оширганлиги қайд этилган. Кам миқдорда N (300 μмол) ва юқори миқдорда P (250 μмол) сақлаган озуқа мухитида *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 бактерияларининг биргаликдаги аралашмаси поядаги N миқдорини 192%, илдиздаги N миқдорини эса 54%, поядаги P миқдорини 175%, илдиздаги P миқдорини эса 71% га, шу озуқа мухитидаги назоратга нисбатан, тугунакдаги N миқдорини 7%, тугунакдаги P миқдорини 28% га *B.japonicum* USDA110 штаммига нисбатан оширган.

Гидропоника шароитида азот ва фосфор сақлаган озуқа муҳитида соянинг илдиз морфологик хусусиятларига алоҳида *B.jaronicum* USDA110 штамми ва *B.jaronicum* USDA110 билан *P.rutida* TSAU1 штаммларининг биргалликдаги таъсири

N ва P сақлаган озуқа фони	Штаммларнинг номи	Илдиз узунлиги, см	Илдиз юзаси, см ²	Илдиз эгаллаган майдон, см ²	Илдиз диаметри, мм	Илдиз ҳажми, см ³	Туғунақлар сони
ЮНЮР	Назорат	3362,4±1,69	352,5±1,64	109,1±0,90	0,30±0,05	3,35±0,98	-
	USDA110	5183,7±2,42*	570,5±1,27*	163,2±2,20*	0,32±0,03	4,18±0,93	230±2,88
	USDA+TSAU1	6855,5±1,10*	1037,2±1,56*	292,5 ±2,78*	0,44±0,04*	11,3±1,38*	259±3,47*
ЮНКР	Назорат	1499,6±1,22	123,5±1,33	85,67±1,21	0,32±0,06	2,80±0,03	-
	USDA110	3253,3±1,92*	426,0±1,35*	138,8±1,73*	0,43±0,08	4,28±0,02*	103±2,58
	USDA+TSAU1	4231,4±1,02*	510,4±1,06*	175,0 ±1,96*	0,46±0,06*	5,59±0,07*	187±3,56**
КНЮР	Назорат	3000,3±2,78	299,4±2,05	98,7±0,84	0,34±0,02	3,06±0,19	-
	USDA110	5220,1±0,94*	683,3±1,03*	168,28±1,45*	0,50±0,01*	5,13±1,15	235±3,71
	USDA+TSAU1	6992,5±1,05*	1058,8±0,75*	295 ±1,96*	0,60±0,02*	12,2±0,62*	285±3,98**
КНКР	Назорат	1020,1±0,9	218,6±2,1	69,7±1,3	0,40±0,05	2,7±0,8	-
	USDA110	1526,1±1,7*	298,4±1,6*	98,8±1,6*	0,47±0,06	5,05±0,9*	64±2,8
	USDA+TSAU1	3022,0±1,2*	437,8±2,4*	150,8 ±1,4*	0,55±0,02*	7,48±0,8*	87±2,63*

Эслатма: Ҷсимлик иссиқхонада 2 литрлик пластик идишда 45 кун давомида ўстирилган.

ЮНЮР – N 3000 μмол + P 250 μмол; ЮНКР – N 3000 μмол+ P 50 μмол; КНЮР – N 1000 μмол+ P 300 μмол; КНКР – N 300 μмол+ P 50 μмол.

Изоҳ: * назоратга нисбатан ишонччилик даражаси P<0,05

Гидропоника шароитида N ва P сақлаган озуқа муҳитларида соя ўсимлигининг физиологик хусусиятларига алоҳида *B-jarónicum* USDA110 штамми ва *B-jarónicum* USDA110 билан *P-putida* TSAU1 штаммларининг биргалликдаги таъсири

N ва P сақлаган озуқа фони	Штаммларнинг номи	Поядаги N		Илдиздаги N		Тугунакдаги N		Поядаги P		Илдиздаги P		Тугунакдаги P		Баргдаги протеин микдори, мг/г
		микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	микдори, мг/г	
ЮНЮР	Назорат	1,84±0,08	2,45±0,13	-	0,20±0,01	0,47±0,01	-	0,20±0,01	0,47±0,01	-	0,47±0,01	-	2,07±0,24	
	USDA110	3,36±0,12*	2,72±0,12	6,61±0,05	0,45±0,02*	0,50±0,01	0,54±0,02	0,50±0,01	0,54±0,02	0,54±0,02	0,54±0,02	0,54±0,02	2,41±0,26*	
	USDA+TSAU1	4,30±0,13*	2,97±0,54*	6,74±0,04	0,50±0,02*	0,70±0,05*	0,70±0,05*	0,70±0,05*	0,70±0,05*	0,70±0,05*	0,70±0,05*	0,70±0,05*	3,05±0,20*	
ЮНКР	Назорат	1,80±0,09	2,06±0,03	-	0,18±0,01	0,38±0,02	-	0,18±0,01	0,38±0,02	-	0,38±0,02	-	1,24±0,18	
	USDA110	2,84±0,03*	2,36±0,16*	6,50±0,06	0,36±0,06*	0,45±0,01	0,44±0,04	0,45±0,01	0,44±0,04	0,45±0,01	0,44±0,04	0,44±0,04	1,58±0,20*	
	USDA+TSAU1	3,06±0,05*	2,66±0,04*	6,98±0,08*	0,44±0,02*	0,66±0,05*	0,60±0,01*	0,66±0,05*	0,60±0,01*	0,66±0,05*	0,60±0,01*	0,60±0,01*	2,04±0,25*	
КНЮР	Назорат	1,64±0,21	2,03±0,03	-	0,20±0,01	0,42±0,03	-	0,20±0,01	0,42±0,03	-	0,42±0,03	-	1,56±0,13	
	USDA110	3,90±0,01*	2,78±0,12*	6,76±0,08	0,50±0,02*	0,51±0,01	0,61±0,01	0,50±0,02*	0,51±0,01	0,51±0,01	0,61±0,01	0,61±0,01	1,90±0,38*	
	USDA+TSAU1	4,80±0,02*	3,12±0,02*	7,25±0,27*	0,55±0,01*	0,72±0,01*	0,78±0,01*	0,55±0,01*	0,72±0,01*	0,72±0,01*	0,78±0,01*	0,78±0,01*	2,20±0,14*	
КНКР	Назорат	1,15±0,08	1,91±0,03	-	0,17±0,01	0,34±0,03	-	0,17±0,01	0,34±0,03	-	0,34±0,03	-	1,11±0,01	
	USDA110	2,53±0,08*	2,16±0,01*	4,62±0,01	0,33±0,02	0,41±0,01	0,30±0,04	0,33±0,02	0,41±0,01	0,41±0,01	0,30±0,04	0,30±0,04	1,46±0,03*	
	USDA+TSAU1	2,93±0,26*	2,62±0,01*	5,56±0,08*	0,39±0,01*	0,54±0,03*	0,41±0,01*	0,39±0,01*	0,54±0,03*	0,54±0,03*	0,41±0,01*	0,41±0,01*	1,93±0,07*	

Эслатма: Ўсимлик иссиқхонада 2 литрлик пластик идишда 45 кун давомида ўстирилган.

ЮНЮР – N 3000µмол + P 250 µмол; ЮНКР – N 3000 µмол+ P 50 µмол; КНЮР – N 1000 µмол+ P 300 µмол; КНКР – N 300 µмол+ P 50µмол. Ўсимлик пояси, илдизи ва тугунагидаги N ва P микдори (қурук оғирликка нисбатан) ҳамда баргидаги протеин микдори (хўл оғирликка нисбатан)

Изох.: *назоратга нисбатан ишончлилик даражаси $P < 0,05 < 0,001$ бўлган ҳолатдаги фарқлиниши. ANOVA нинг кўп омилли таҳлили бўйича.

Кам миқдорда N (300 μ мол) ва кам миқдорда P (50 μ мол) сақлаган озуқа муҳитида, соя илдизига *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 бактерияларининг биргаликдаги аралашмаси билан ишлов берилган вариантда поядаги N миқдори 154%, илдиздаги N миқдорини эса 37%, поядаги P миқдорини 129%, илдиздаги P миқдорини эса 59% га шу озуқа муҳитидаги назоратга нисбатан, тугунакдаги N миқдорини 7%, тугунакдаги P миқдорини 37% га *B.japonicum* USDA110 штаммига нисбатан оширди. Соянинг протеин миқдори юқори миқдорда N (3000 μ мол) ва кам миқдорда P (50 μ мол) сақлаган озуқа муҳитидаги назорат вариантыда 40% га, кам миқдорда N (300 μ мол) ва кам миқдорда P (50 μ мол) сақлаган озуқа муҳитида эса 46% га, юқори миқдорда N (3000 μ мол) ва юқори миқдорда P (250 μ мол) сақлаган озуқа муҳитининг назорат вариантыга нисбатан пасайганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

«Гидропоника шароитида соя ўсимлигининг физиологик ва симбиотик хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Гидропоника шароитидаги озуқа муҳитида натрий хлорид (NaCl) тузи эритмасининг 50 ва 75 мМ концентрациялари соянинг морфологик хусусиятларига салбий таъсири натижасида назоратга нисбатан мос равишда соянинг илдизи узунлиги 20% ва 36%, юзаси 57% ва 78%, диаметри 24% ва 31%, ҳажми 39% ва 79% ва илдиз эгаллаган майдони 30% ва 64% гача пасайиши аниқланган.

2. Гидропоника шароитида 75 мМ NaCl ли озуқа муҳитида *B.japonicum* USDA110 ва *P. putida* TSAU1 штаммларининг биргаликдаги аралашмаси билан соя илдизига ишлов берилганда назоратга нисбатан ўсимликнинг илдиз узунлиги 11% га ва юзаси 29% га, алоҳида *B.japonicum* USDA110 штамми қўлланилган вариантга нисбатан эса тугунаклар сони 93% га ошганлиги қайд этилади.

3. Гидропоника шароитида 50 мМ NaCl ли озуқа муҳитида соя илдизига *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1 бактерияларининг аралашмаси билан ишлов бериш (25-30 мин.) ўсимлик ривожланишини тезлаштириб, барглардаги протеин ва хлорофиллнинг ҳамда ўсимликдаги N ва P миқдорининг юқори даражада ошишига олиб келади.

4. Гидропоника шароитидаги юқори миқдорда P (N 3000 μ мол ва P 250 μ мол; N 300 μ мол ва P 250 μ мол) сақлаган озуқа муҳитлари кам миқдорда P (50 μ мол) қўлланилган назорат вариантларга нисбатан ўсимлик илдиз узунлиги, диаметри, ҳажми, илдиз эгаллаган майдони, баргдаги протеин ва хлорофилл ҳамда илдиз, поя ва тугунакдаги P миқдори ошишига таъсир этади.

5. Гидропоника шароитида соя ўсишини жадаллаштиришда кам миқдорда N (300 μ мол) ва юқори миқдорда P (250 μ мол) сақлаган озуқа муҳитида соя илдизига *B.japonicum* USDA110 ва *P.putida* TSAU1

штампларининг биргаликдаги аралашмаси билан ишлов бериш энг юқори самарадорликка олиб келади.

6. Шўрланган шароитга чидамли соя навларини танлашда гидропоника усулидан модел сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.29.08.2017.В.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ
БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

ЖАББОРОВА ДИЛФУЗА ПУШКИНОВНА

**ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ И СИМБИОТИЧЕСКИЕ
СВОЙСТВА СОИ В УСЛОВИЯХ
ГИДРОПОНИКИ**

03.00.07 – Физиология и биохимия растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/B23.

Диссертация выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Давранов Кахрамон
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сафаров Каримджон
доктор биологических наук, профессор

Мавлянова Равза Фазлетдиновна
доктор сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

Ташкентский государственных аграрный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений, Национальном университете Узбекистана (Адрес: 111226, Ташкент обл, Кибрайский р-н п/о. Юкори-юз, актовый зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс: (+99871) 264-23-90; e-mail: igebr@academy.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за № _____). Адрес: 111226, Ташкент обл, Кибрайский р-н, п/о. Юкори-юз, ИГЭБР. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года
(протокол рассылки № _____ от «___» _____ 2017 года)

А.А. Нариманов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с. х.н.

С.М. Набиев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.б.н.,
старший научный сотрудник

М.Ф. Абзалов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день глобальное изменение климата, засуха и засоление почв крайне отрицательно влияют на качество и урожайность сельскохозяйственных культур, что приводит к усилению проблемы недостатка продуктов питания. В решении этой проблемы актуальными являются повышение устойчивости продовольственных культур к негативному действию абиотических факторов и внедрение современных технологий их возделывания в сельском хозяйстве.

В мировом сельскохозяйственном производстве уделяется большое внимание возделыванию зерновых и бобовых культур на засушливых и засоленных почвенно-климатических условиях эффективными способами. В этом аспекте важно увеличение продуктивности и качества сои, являющейся основной продукцией пищевой, масложировой и кормовой отраслей путем выяснения её морфофизиологических особенностей. Повышение спроса на соевые продукты в последние годы требует разработки и усовершенствования способов её возделывания. В частности, выяснение эффективных способов выращивания сои методом гидропоники, разработка необходимых питательных сред, обоснование физиологических процессов растений в условиях гидропоники и управление приобретает важное научно-практическое значение.

После приобретения независимости в сельском хозяйстве республики проведены крупномасштабные реформы, в том числе в целях создания перспективных новых сортов сои и повышения их урожайности. В результате проведенных целевых мер достигнуты определенные успехи, в том числе по районированию ряда сортов сои и увеличению посевных площадей. Вместе с тем необходимо углубленное исследование передовых технологий возделывания сои, в частности, методом гидропоники. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан определены задачи по возделыванию продовольственных масличных растений, по внедрению в сельскохозяйственное производство интенсивных методов. Исходя из этих задач выращивание масличной и пищевой культуры – сои методом гидропоники, проведение научных исследований по выяснению влияния питательных элементов и ризобактерий на морфологические и физиологические особенности, подбор эффективных питательных сред имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан¹ ПП-2832 от 14 марта 2017 года “О мерах по организации посева сои и увеличению возделывания соевых бобов в республике на 2017-2021 годы” и в Указе Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

